



ЎГУЗХОН ИБН КОРАХОН ИБН МЎГУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН ДИБАДКУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС АЛАЙХИССАЛОМ ИБН НУХ АЛАЙХИССАЛОМ ПОДШОХДИГИ ЗИКРИ

Оллох инояти билан Ўгузхон подшоҳлик тожини кийгач, жахонгирлик илми ва мамлакат бошқарувчилиги байрогини кўтарди. Олий ҳиммати ва жахонбонлик шавкати хоконлик шуқуддан нихоний лутфлар ва эҳсоний илтифотларидан улуснинг барча хайлу хашамини ва барча элни тикка, ўз ходимларини ҳақ динига ва мусулмончиликка киргизди. 73 йил давомида ўз қариндош-уруғлари ва уларнинг тобеъларига фаровон бегорлар ҳада этди,

Ахируламр, тобеълардан худопарастлик динини қабул қилган бир гуруҳини эъзозу иқром билан сийлаб, қарданини итоатдан ва ҳақ динидан товлаганларини эса жангу жадал маъразида қатлу қаттолга қиришдилар. Ҳаммани душманлик ўз ҳаётларидан қайтарди. Барча уларнинг тўпланганларини тиркиратиб қувди. Улар Туркистон сарҳадидан қочиб, бир тўдаси Хитой томон кетди, Сохиби қуввату шавкат бўлган уларнинг қўпчилиги Хитойдан ҳам ўтиб Чин томон кетдилар. Ул жамоанинг бир тўдалари Ўгузхондан қочиб, Тотор маликига илтижо қилдиларки, то Тотор малики уларга мадад қилсалар. Уларнинг саноксиз лашқари Ўгузхон устига (юриш қилди). Ўгузхон бундан хабар топиб, лашқарини ҳозирлашга қиришди. Лашқарини тартиб этишда мустаҳкамлик қораларини қўрди. Шундай сахий подшоҳ бўлган Ўгузхон устидан бу қаби фисқу фужурга қарамай ўз юришларида рона лашқарини ораста қилган эди. Марҳум Абулҷахон тақсимотидан тамоми эл-улуснинг ярми авангор халқлари ва яна ярми бужунгор тўдасига тайин қилинган эдики, ҳар қайсиси ўз хокони хизматиға етишдилар. Авангор халқидан бўлганлар подшоҳнинг ўнг қўл томониға ўлтирганлар. (в. 196). Улар ўз бошлиқлари ва бузурғлари билан бўлганлар. Йигитлар ва ёшлар подшоҳ ҳузурида ўз томонларининг пойғак томонидан оёқда турганлар. Худди шунингдек. Жавонгор тоифасидан бўлган одамлар уз подшоҳларининг чап қўл томонидан (жой олганлар). Ўлтиришға амр қилинган одамлар ўлтирганлар. Оёқда тик туришға маъмур этилганлар тик турганлар. Ушбу сафардаки, барча мўғуллар тоторий аскарлари билан қочганлари эшитилгач, Ўгузхон устиға бостириб қелдилар. Ўгузхон ҳам ўзининг барча лашқар ва одамларини жамлаб, ҳалойикни етти қисмға бўлди: Биринчи қисмини бужунгор деб атаб лашқарининг пешрави олдидан қўйдик, уни туркийда қаровул дейдилар. Иккинчи

кисмига бурангар деб ном берди ва бужунгор ортидан юришни буюрди, Токи, булар оралигида бирор кора кўринадиган бўлса, бири ахволини иккинчисига етказадиган бўлсин. Бу бурангарни туркийда яровул дейдилар, яна манклай ҳам дейишадики, уни арабчада мукаддиматул-жайш деб тушунишади. Зеро, бу кисмда сергайрат ва жангчи ёшлар бўлиб, айна шижоатларини намойиш этувчилар кўйилган эди. Учинчи кисмники, мархум Абулчохон авангор деб атаган эди, шу номда колдирилди. У лашкарнинг ўнг кўл томонидан отилган камон ўки масофасида яккаоёк йўлда юриши мукаррар Килинди. У туркийда ўнг кўл дейиладика, арабчада маймана Дейилур. Тўртинчи кисмники, Абулчохон жавонгор деб атаган эди, бу ҳам шу номда колдирилди. (Лашкарнинг) сўл кўли томондан (ўнг кўл) юрадиган масофада мукаррар Килинди. Яъни, бир камон ўки етарлик яккатоз йўлдан бориши белгиланди. Уни туркийда сўл кўл дейдиларки, арабчада майсара тушунилади. Бешинчи кисмки, айна лашкар ва халк гулувгохидир, ўзи ўртада жойлашиб, уни гўл дейдилар. Шунини мукаррар килиндика, гўл албатта йўл ўртасидан юрмоги лозимки, авангор ва жавонгор айна ясорда жойлашади. Ўзи гўл ўртасида туг ва асоба остида жой олади (в. 20а) Бу гўлни туркийда ясов дейдилар ва арабийда калбул-жайш аталади.

Олтинчи кисмни ўкжунгор деб атайдилар. Шунга келишилдики, гўл ёнидан шундай микдорда ён томондан юрадика, уларнинг кадам ташлаганларида чиккан чангни, уларнинг корасини гўлдаги одам кўриб турмоги керак. Улар ҳам гўл юрадиган йўл чангини ёки гўл корасини кўриб туриши лозим. Бу ўкжунгор туркийда жангдовул дейилади, арабийда у сока деб аталади. Туркларнинг баъзилари уни ўкча дейдилар. Еттинчи кисмни бўстонгор дейдиларки, улар ўнг жавонгордан кейинда маймана билан ясор оралигича келадиган масофада жойлашади. Улар шу тарзда йўл босадиларки, душман улар кораси ва чангидан огох бўлмасликлари лозим. Ва бу бўстонгорни туркийда бухтарма дейдилар ва форсийда камингохдир. Булжангор ва бўстонгорнинг арабийси йўқдир. Зероки, араблар аскарарида беш кисмдан ортигига эътибор килмаганлар.

Ўгузхон ўз лашкарини шу тартибда етти кисмга бўлиб, хар кисмида ўша диловар ва коригар ёшлар, мўътабар сардорларидан ва муборизларидан мавкеига караб кўйиб, тайинлаб чикди. Мўгул ва тотор лашкари истикболига чикди. Ўзаро жангга киришдилар. Бу тартибда лашкар ва бу йўсин мустахам аскар (сафлари)ки, аслан ва катъан олдин эшитилмаган эди. Каердан ҳам кўрардиларки, мўгул ва тотор катта-кичиги кулогига етган эди. Улар аскарларининг кордонлари бу ихтиро тартибидан ўйга ва хайратга тушдилар. Бу холатдан кутулмок учун хар бири ўз райини кўрсатиб, хар жой-хар жойда дўпчин дўсчин ўлтиришиб маслахат килдилар. Баъзи беистеъдод одамлар дилидан хавф чанги ўрин олди. Хар бирининг диллари санавбар дилларидек пора-пора бўлди. Бундайлар ҳам хар жой-хар жойда ўтириб ўз холлари фикрида бўлдилар. Ногох, совук шамол Ўгузхон чегараси томондан эсиб, замин чангу тўзонини осмонга кўтарди. Шу васваса хангомида мўгул ва тотор аскарари юраксизлари дилида кўркув ва вахима йўл топди. (в. 20 б) Ярмичаси пароканда бўлиб кетди. Колганларининг барчаси улар йўлини тўсмок бўлиб, оркасидан кувдилар. Лашкар одамлари, бирор ходиса бўлган, шунинг учун булар бунчалик чопмоқдалар, деб гумон килдилар. Шу галат гумонда шиддат билан ул лашкарга карши йўналдилар. Окибатда мўгул ва тотор лашкарининг барчаси тумтаракай коча бошлашди. Тамоми аскарлар таркалиб кочишди. Мўгул ва тотор кўшини енгилгани хабари Ўгузхонга етишгач, мазкур бўлган коида, хакикат бўйича, харгиз шитоб ва

шошиличлик кўрсатмай, улар ортидан от кўйдилар. Мўгул ва тотор лашкарининг кай бирига етиб олсалар, жангга киришганини ўлдирдилар, кўл кўтармаганини асир олдилар. Шу тартибда хар икки лашкар Чин чегарасигача етдилар. Ул мамлакатни ҳам забт этдилар. Бу мамлакатларни ҳам истило килдилар. Чунончи, элу улуси, мўгулу тотор барчаси ноилож ва ночор Ўгузхонга эл бўлдилар. Ўгузхон тамоми Чин, Хито, Туркистон, Саклоб мамлакатларига хокиму муставло бўлди. Талотин, Талош, Салоси, Сайрам шаҳарлари чегараларидан то Бухоро, Самарканд сарҳадларигача ерларни тахти тасарруфига киритди. Барча кофир кавмларини мусулмон ва худопарастларга айлантирди. Хар бир шаҳар ва ноҳияга бир амир ва хоким жўнатди. Бир хиргохни жавохирлар билан безатиб хисровона базм ва подшоҳона тўй ташкил этди. Жамъи бузурғлар, амирларга яхши навозиш ва сийловлар кўргузди. Назм (мазмун):
Султонлар сулоласини Ўгузхон бошлаб берди. Мўгул-хон тожидан нажот топди. У олтин хиргох куришни ва уни жавохир билан безашни буюрди. Элу улусга сувулголар тайин килди. Заррин нагоралар чалдирди. Шоҳона базм уюштирди. Ота Махшару, она жаннат бўлди. Унда Чину чигил (кавми) хурзодлари гуломлардек жону дилдан хизмат килдилар. Кўлларига асал тўла косалар олиб, шира билан сутни аралаштирдилар. Ундан хосу авомга кетма-кет улашдилар. Ўлтириб туришлари ўта одобли эди. Бошларига дурра ташлаб олишган. Ёнма-ён туриб саф тортгандилар: раият, сипох, элу улус. Келганларнинг каттадан кичигигача Ус дарёсидек кайнарди. Кашук топиб барча тиз чўкишди; хон хушёр сувулгосига хурмат юзасидан, ботиру бошлик, шоҳу шаҳриёр, хокони аъзам Ўгуз инъомидан якину узок соврунга эришди. Вилоят шаҳарларига ҳам, тўда-тўда эл-улус ботиру бошлигига, лашкарга олтин, жома, (май) жоми берди. Ошуфта дилларга ором багишлади. Хар бир шаҳриёрга шаҳар берди. Хамма унинг сулгосидан баҳра топди. Улусни лакаблари билан ёд килди. Хар йўл билан хар кишини шод килди. Элу улус лакаблари ундан колди. Чин сарҳадидан то Рус денгизигача.

Алкисса, Ўгузхон, наввороллоху маркада, Чину Мочин мамлакатлари сарҳадидан то Рус денгизигача, Олтой ва Конкойдан Жайхун дарёси бўйигача ўз забти доирасига ва ўз тасарруфига олгач, барчани худопарастлик динига киритишга харакат килган эди. Бу диёрлар ўртасида ислом ривожига ва турклар холининг баркарорлиги ва улар турмуши шароитининг койимлигига сабаб бўлган бир неча конунлар ишлаб чикди. Айтадиларки, Ўгузхон турк маликлари орасида мисли Жамшед эди. Ажам маликлари орасида ҳам.

ЎГУЗХОННИНГ ТУРК КАВМЛАРИГА ЛАКАБ КЎЙГАНИ ЗИКРИ

Мазкур тарихда Ўгузхон туркларнинг кавмларига лакаблар кўйдикки, улар то хануз ўша исму лакаблар билан машхурдирлар. Жумладан, бир неча кавмнинг лакаблари куйидагича: мисли уйгур, конкли, кибчок, корлук, халаж, чиюғлар ва хоказо. Аммо, уйгурнинг маъноси (кўшмок) боғламок, бири-бири билан азду паймон боғламоғдир. Бу тоифа Ўгузхонга бир жангда бесабаб мадад берганди. Шу боисдан уларга уйгур деб ном кўйди. Аммо, конкли акллилик, фаросатлилик маъноси-дир. Узи бир нарсадан бир маъно чикармоқдир. Чунончи, бир жангда Ўгузхон кўлига жуда кўп бойлик ўлжа тушган эди.

Ганимдан хушёр ўлжа (в. 21 б) олиб, унинг кулфини оча олмаганди. Лашкардагиларнинг тўгри фикр юритувчи бир тўдаси уриниб кўришди. Батариб килдилар ул ўлжани осонликча очиб ташиб, олдилар. Ўз ақлу фаросати билан дунё мушуқларини еча олганликлари сабабидан уларга конкли деб ном кўйди.

Аммо кибчок (номи) кабуқ сўзидан олинган. Кабуқ бир дарахтнинг номидир. У дарахт танаси ичи ковак бўлади. Пўстидан ташкарисида кўклик йўқдир. Ёгочининг ичи чириган, говак бўлган бўлади. Айтадиларки, жангларнинг бирида Ўгузхон лашкари шикает ейди. Ўгузхон одамларининг кўпчилиги катл этилади. Ўгузхонда душманга қарши зарба бериш қуввати колмайди. Ночор ахволда қолиб, чекинишга юз тутди. Сахрода икки дарё оралигида отдан тушади. Лашкарда бир хотиннинг қорнида хомиласи бор эди. Ул хотиннинг эри ва отаси Ўгузхон кўзи ўнгида Ўгузхон душмани билан бўлган жангда ўлдирилган эдилар. Ул хотиннинг дарди кўзгаб колди. Иложсиз колган хотин ёнидаги бир дарахтнинг ковагига бир пана жой тополмай кирди. У ерда ундан бир ўгил тугилди. Ўгузхон бу воқеадан хабар топгач, улар холига раҳму шафқат қилиб, деди: отаси ва бобосини, ва отаси ва эриники биз туфайли ўлдиришди. У етим колди. Ўша ўгил болани фарзандликка қабул қилди ва Кибчок деб ном берди. Назм (мазмуни): Бугунги кундаги кибчок қавмини унинг бир угли наслидан деб билдилар.

Айтишларича, Ўгузхоннинг ўша жангида Эрон волийси Этбарок ҳамроҳ эди. 17 йил ўтгач Этбарок устидан қолиб келди ва Эронни истило қилди. Бир неча муддат ўтиб Ўгузхон Туронга қайтганда эшитдики, яна унинг душманлари бош кўтарибди. Фарзандим деб атаган Кибчокка буюрдики, ўзига яқин тобеъ одамлари билан улар устига боргай ва Момок ноҳияларида чегара муҳофазаси билан шугуллангай. Ўгузхон фармонига биноан у йўлга тушди ва айтилган жойга ўрнашди ва яшаб колди,

Қорлик. Ўгузхон Гўр сарҳадидан Турон замин томон йўлга чиққанда (в. 22 а) киш жуда совуқ келган эди. Дашту сахрони қор тамоман қоплаб олганди. У буюрдики, ҳеч ким лашкардан орқада қолиб қетмасин. Аммо, қор қўплиги ва совуқдан баъзилар лашкардан орқада қолиб қетдилар. Ўгузхонга бу маълум бўлгач, яна фармон берди. Уларни топиб қетдилар. Сўроқлаганлари билан, барибир қолиб қетганлар бўлди. Суриштириб, қолганларга қорлик деб ном берди.

Назм (мазмуни):

Энди қорлик нақодини улар наслидан деб билдилар. Аммо Халаж (тўгрисида) дейдиларки, Ўгузхон мамлакатлар тасхири учун лашкар тортганда ҳукм қилдики, ҳеч ким лашкардан қолиб қетмасин. Ўша ўртада бир киши бўлиб хотини хомиласидан қутулган эди-ю; қамқувватликдан сути йўқ эди. Сахрода бир шағолни кўрдики, товукни овлаб турганди. Сути йўқ хотиннинг эри ўша одам бир қалтакни олиб шағолга отди. Тустовукни ундан қутқариш ва уни хотинига қабоб қилиб бериш мақсади эди. То ул хотинда сут пайдо бўлгай ва фарзандини сутдан тўйдиргай. Ўша хотин тустовуқ қабобидан егач, сути қўпайди ва фарзандини сутдан тўйдирди. Ўгузхон улар ахволдан воқиф бўлиб, йўл азобини тортган маъносидан бўлган Халаж номини ул ўгилга қўйди. Назм (мазмуни):

Шу юмушдан юпаниб бир неча одам, Ўгузхон эшитди улардан шул дам. Аччиғланди,

дедики кимнинг хотини, тугса нечун ортга тортар отини. Шохи замон унга кўйди Халаж ном, маъноси шул: қолиб кетма, опагон.

Аммо, Чиюрга. Айтадиларки, Ўгузгон сафарларининг бирида шабгирлик юз берди. Бир ерга етгач, отдан тушди ва караса, бир тўда одамлари лашкардан ажраб орқада қолиб кетганлар. Катор орқасидан кела бошлаганлар. Шу сабабдан ул одамларни Чиюргонлар деб атади. Назм (мазмуни):

Чиюргон туркийда катор маъносини беради. Шахриёр шундай деб хитоб килди. Ўгузгон туркийнаход кавмла-рига шу тарзда ном кўйди. Сен уларнинг барчасини турк деб бил, факат номлари турлича бўлди.

ЎГУЗХОННИНГ АРАБ ДИЁРИ ВА ЭРОНДАН ТУРОН ПОЙТАХТИГА КАЙТИШИ ЗИКРИДА (В. 22 б)

Ўгузхони Гозий олдинрок олам мамлакатларини ўз тасарруфи остига киритгач, кофирларнинг олимларини кириб ташлади. Араб диёридан асл юртларики, Карток ва Арток эди. Коракурум ва Келурон ноҳияларига кайтиб келдилар ва бу ерда ажойиб базм ва гаройиб жашн ташкил этдиларки, ҳеч бир подшоҳ унакасини тартиб килмаган эди. Назм (мазмуни).

Олтиндан шундай хиргоҳ тикдики, узунлигию кенглиги узундан-узун бўлиб, осмону ер билан баробар эди. Унда шохона базм тузди. Унинг инъомидан халк шод бўлди.

Чун заррин хиргоҳни ва байрам анжомларини мухайё килгач, атроф (мамлакатлар)нинг бузургу сардорлари, Турон замини маликларини чорлаб келтирдилар. Тўккиз минг кўй, тўккиз юз от сўйилди, тўккиз минг кимиз меши, ва бошка муносиб асбобларни мухайё килдилар. Ўша куни катта. шира ихтиро килдиларки, илгари бундайини ҳеч ким кўрмаганиди. Ўзи ул шира устига ўзига муддао ва матлуб бўлган кишилар билан бирга чикиб ўлтурди. Жумладан, Ўгузхоннинг олти нафар ўглики, уч нафар каттасининг бирини Кун, иккинчисини Ой, учинчисини Юлдуз (атардилар), уч нафар кичигини, яъни тўртинчиси Кўк, бешинчиси Ток, олтинчиси Тенгиз бўлиб, хар кайсисининг хос сиюргоси бор эди. Назм (мазмуни):

Базмда Ўгуз кўргомиши уюштирди. Ўша олти ўглини суюргол тайинлади. Улар мардлик ва лашкаркашлиқда, мамлакатларни забт этишда, душманни суришда, жангда отасига мадад берарди. Хар бири ажаб ёварлик (мадад) кўргизарди.

ЎГУЗХОННИНГ ЎЗ ЎГИЛЛАРИГА ЎРИН БЕЛГИЛАГАНИ ЗИКРИ

Айтишларича, бир куни Ўгузхон ўгиллари билан биргаликда шикорга борган эдилар. Шикор пайтида хар бири бир ов кетидан қувдилар. Ногох, хар олти нафар ўгил бир бўлиб шикоргоҳда биргаликда бир жойга етишдилар ва бир камон билан уч заррин ўк топиб олдилар. Оталари хузурига муҳокамага келтирдилар. Ўгузхон улуг ўгилларига камонни ва уч кичик ўглига ўкларни берди. Катта ўгиллари камонни (в. 23 а) уч қисмга бўлиб олдилар. Шунинг учун ҳам уларни бузук деб атайдиган бўлдилар. Кичик ўгилларни уч ўк дейишадиган бўлишди. Йўлда бузукилар уч ўқидан кўп бўладилар. Ўк элчи хукмини, камон подшоҳ хукмини келтирарди. Назм (мазмуни):

Ўк — элчи, камон — подшоҳ бўлди. Йўлда элчи шохдан камтардир. У авангордан юришни бузукларга буюрди, жавонгордан уч ўк кетганди. Лекин ўз ихтиёрини бузукка берди. Уч ўк учун иморат солди.

Бузукларга дедик, суворийлар учун ва кўр ўринини ўнг томонданки, ўнгор дерлар, тайинласинлар ва ўлтирсинлар. Уч ўкларга буюрдик, чап кўл томонданки, уни жўнгор дерлар суворийларга ва пиёдаларга ўрин тайёрлаб ўлтирсинсинлар. Ўринларига кайтсинлар. Шунингдек, бузукларга ва-лиахдлик амрини килдилар. Уч урукка амирлик фармони бердилар. Шу байрамдан ва сужбатдан бироз вақт ўтгач, у ҳақ раҳматига етди. Унга Оллоҳ раҳмати бўлсин.

КУНХОН ИБН ЎГУЗХОН ИБН КОРАХОН ИБН МЎГУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН ДИБАДКУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС АЛАЙХИССАЛОМ ИБН НУХ АЛАЙХИССАЛОМ ПОДШОХЛИГИ ЗИКРИ

Кунхон ибн Ўгузхон отаси васияти ижобати ва салтанат ақобиру арконлари савоби учун отаси ўрнига тахтга ўлтирди, салтанат ва фармондехлик ишига киришди. Раиятга нисбатан адолат ва тадбир йўлини тутди. Отаси кўли остида бўлган Аркил хожа тадбир билан иш кўришни мақсад қилди. Аркил хожа хилватда Кунхонга деди: «Ўгузхон олиймақдор ва жалилулкадр подшоҳ эди. Мамлакатларни кўлда тутиб, лашкарини кўпайтирди, шунингдек, ундан кўплаб хазиналар қолди». Назм (мазмуни):

Шунча молу чорва бу ерда сизлар учун қолди. У қетди, ўзининг молу мулкани сиз олти ўгилга қолдирди. Сизлар-нинг хар олтовингиздан тўрттадан шахзода тугилди ва 24 нафар бўлди.

Сизларнинг (олтовингиздан) хар бирингиздан тўрт нафардан фарзанд дунёга келади. Чунончи 24 шахзода бўлади. Мабодо (в. 23 б) молу мулк тўфайли улар ўртасида муҳолифат пайдо бўлмагай. Уларнинг хар бирига яраша йўл-йўрик ва расму русум кўрсатганим авлодир.

Назм (мазмуни): «Олтин, нозу неъматлар, кўй сурувларини уларга бахшида этаман. Хар бирига биттадан нишон, ном, лакаб ва тамго тайинлайман. Токи хар бири ўзига тегишли (неъмату одамлар) дан огох бўлсинлар, жанжаллашиб юрмасинлар. Улардан тугилган хар бир зод биз белгилаган русумга риоя килгай». Аркилдан буни эшитиб, кекса киши айтганларига ишонди. Донолар йўригидан сўз очиб шох деди: «Эй ройи покинг ойдан хам равшан бўлган, сенинг ишларингдан хато топа олмадим. Энди хеч тортинмасдан шундай яшагин».

Аркил хожадан отаси дастурини эшитгач, бу аник тадбирни бажаришга киришди. «Неки сенинг мунаввар хотирингдан нур таралибди, замирим хонасининг ойнасини равшан килур. Лозимдирки, бу тадбирни амалга бекусур оширом лозим. То бу ишни охирига етказмагайсиз, бир дам хам рохат сувини ичмагайсанки, пайсалга солиш офатдир. («Таъхир офат аст») тадбирда рохат». Аркил хожа ўз вожиб коонзодасидан шундай ижозат олгач, хизмат камарини махкам боглаб, мухим ишларни саранжомлашга киришди. Назм (мазмуни):

Аркил Кунхон фармонини эшитгач, хизматга бел боглаб, елиб-югурди. Чапу ўнг кўл фаркига борди, улар кимга тааллуқлиги муайянку. Хар шахзодани бир ўлкага тайинлади ва уларга лакаб ва тамгалар белгилади. Хамма шоду хуррам, бир-бирлари билан дўсту бегам бўлдилар.

Равшанзамир Кунхон фармонига биноан вазир Аркилхо-жа шахзодалар нишони ва лакаби, ўлтирар жойлар ва тамголарини тайин килгач, беман шу маъно улар ўртасида дўстлик ва тотувлик пайдо бўлди. Улфат ва садокатлилик ўрнатилди. Адоват ва гап-сўз йўли беркилди. Чунончи, мажлисда, тўйда, шулонда хар бири ўз муча ва соврунларини биладиган бўладилар. Таом ейиш пайтида хар бирига кўйнинг бир кисми муайян эди. Бир-бирига кичик ва катта одобига риоя килар эдилар. Беман ушбу тотувлик салтанат бу сулолада узок йиллар сакланди. Кунхон (в. 24 а) 70 йил муддат салтанат сурди. Бу дунёдан кўз юмаётганда ўз иниси Ойхонни валиахд тайинлади.

ОЙХОН ИБН ЎГУЗХОН ИБН КОРАХОН ИБН МЎГУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН ДИБАДКУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС ИБН НУХ АЛАЙХИССАЛОМ ПОДШОХЛИГИ ЗИКРИ

Ойхон ибн Ўгузхон карамли, муборакрўй, хушфеъл ва хушхўй хон эди. Биродари вафотидан кейин салтанат маснади ва адолат тахтига ўлтирди. Хосу авом хузурида эхсон кўрсатарди. Отаси ва бобосининг тахсинга лойик расму русумида устивор турди. Раиятга риоя ва ёрдам кўлини чўзди. Лашкарига бобоси ва отаси ясоги бўйича таълим берди ва тузди. Бир муддат хонлик тахтига кадам кўйиб, кўп муддат комронлик йўригида турди. Тепасига ажал фариштаси ётишганда тўнгич ўгли Юлдузхонни ўрнига койиммакон тайинлади. Ўзи эса олам-нинг барча халкидан оламнинг яратувчиси томон юз ўгирди.

**ЮЛДУЗХОН ИБН ОЙХОН ИБН ЎГУЗХОН ИБН КОРАХОН ИБН МЎГУЛХОН ИБН
АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН ДИБАДКУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН
ТУРКХОН ИБН ЁФАС ИБН НУХ АЛАЙХИССАЛОМ ПОДШОХЛИГИНИНГ ЗИКРИ**

Юлдуз ибн Ойхон отаси ўрнини эгаллаб, меросий мулк эгалигини кила бошлагач, яхши русум ва одатлар касб этди. Бир навъ Мўгулистон подшолигини юритди. Унинг замонида халк фарогатда ва форугболлик билан хаёт-кечирдилар. Адлу инсоф ўчоги муболагасиз беҳиштга тенглашадиган замонасида ва салтанат экинзорида фармон-раволик уругини кўлга киритди. Вахима чумчуги кайтди. Окибат омил уни амалдан маъзул этиб, казо кўли кадар калами билан унинг умри сижилига хам тавке битди. Унинг ўгиллари орасидан Менглихон отаси ўрнини эгаллади.

давоми бор...

[1](#), [2](#), [3](#), [4](#)